

Аллоҳни севсангиз, Унинг Расулига тўлиқ бўйсунинг!



10:06 / 26.05.2021 3741

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

مَنْ كَانَ رُفْعَ يَدَيْهِ وَهُوَ كَذِبٌ حُرِيٍّ يَنْوَعِبُتْ أَفْءَلْ لَانُ وُوبِحَتْ مُتْنُكَ نِإْلُقْ
مِيحَّرُ رُفْعَ يَدَيْهِ وَهُوَ كَذِبٌ حُرِيٍّ

«Агар Аллоҳни севсангиз, бас, менга эргашинг, Аллоҳ сизни севадир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиладир. Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир», - деб айт. (Оли Имрон сураси, 31-оят).

Аллоҳга муҳаббат, иймон қуруқ гаплар эмас. Одамлар орасида ўзининг иймони борлигини, Аллоҳга муҳаббати борлигини айтиши

билан собит бўладиган нарса ҳам эмас. Аллоҳга ҳақиқий муҳаббат, ҳақиқий иймон оғизда айтиладиган гап, виждоний ҳис-туйғу ёки баъзи расм-русумларни адо этишдан иборат иш эмас. Аслида у Аллоҳга ва Унинг Расулига тўлиқ бўйсунушдан иборатдир.

«Агар Аллоҳни севсангиз, бас, менга эргашиг...»

Ким Аллоҳга муҳаббати борлигини даъво қилса, бу даъвонинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақидаги ҳукм унинг Набий алайҳиссаломга эргашишига қараб чиқарилади. Агар у Набий алайҳиссаломга тўғри эргашса, даъвоси тўғри. Эргашмаса, тўғри эмас. Пайғамбар алайҳиссаломга вассаломга эргашиш ҳар бир бандага битмас-туганмас бахт-саодат келтиради. Бу нарса оятда қуйидагича баён қилинмоқда:

«Аллоҳ сизни севадир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиладир».

Мўмин банда учун Аллоҳнинг муҳаббатидан ҳам яхшироқ бахт-саодат борми?! Бунинг устига, унинг гуноҳларини ҳам мағфират қилиб турса!

Ҳа, эй бандалар!

نَـيْرَفَاكُلَا۟ بِحُۢيَا۟ اَل۟لَّـلِّ۟ اِن۟ اِ۟ف۟و۟وَل۟وَت۟ نِ۟اِ۟ف۟ ل۟وَسَّر۟لَا۟وَل۟لَا۟ ا۟و۟عٰی۟طَا۟ ل۟ق

«Аллоҳга ва Расулга итоат қилинг. Агар юз ўгирсангиз, бас, албатта, Аллоҳ кофирларни севмас», - деб айт. (Оли Имрон сураси, 32-оят).

Аллоҳга ва Набий алайҳиссаломга итоат қилиш ҳар бир мўмин банданинг бурчидир. Ояти каримадан кўриниб турибдики, Аллоҳга ва Набий алайҳиссаломга итоат қилмай, ортга қайтиш кофирликдир. Ким шу ишни қилса, унга Аллоҳ муҳаббат қилмайди.

Аллоҳ таоло Пайғамбарга эргашилмаса, Ўзининг муҳаббати батамом бўлмаслигини баён қилганидан сўнг, кейинги оятларда пайғамбарларнинг даражалари улуғлигини, уларнинг шарафлари юксаклигини баён қилади.

Авалло, Одам алайҳиссаломдан бошлаб, кейин башариятнинг иккинчи отаси Нуҳ алайҳиссалом ҳақида сўз юритади.

Сўнгра Оли Иброҳим ҳақида сўз юритиб, уларнинг ичига Муҳаммад алайҳиссаломни ҳам қўшади. Чунки у зот Исмоил алайҳиссаломнинг зурриётларидандирлар.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди